

УКРАИНА

<http://www.ucps.info>

сайти материаллари бўйича

Украинада маҳсулотларни сертификатлаштириш давлат тизими – УкрСЕПРО тизими амал қиласи. Ушбу тизимда ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий сертификатлаштириш амалга оширилади. УкрСЕПРО тизимидағи ишларни Сертификатлаштириш бўйича миллий идора ҳисобланган Украина Давистеъмолстандарт (Госпотребстандарт) – техник тартибга солиш ва истеъмолчи сиёсати масалалари бўйича Украина давлат қўмитаси – (олдин Украина Давстандарти деб номланган) ташкил қиласи. Украина Давистеъмолстандарт веб-сайти: <http://www.dssu.gov.ua>.

Сертификатлаштириш

Мажбурий сертификатлаштириш жараёнида маҳсулот параметрларининг Украина қонунчилик актлари билан аниқланган меъёрий ҳужжатлар ва/ёки [Украинада мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатида](#) кўrsatилган меъёрий ҳужжат талабларига мослиги аниқланади. Одатда бу хавфсизлик талаблари. Бунда маҳсулотнинг кўпгина тури учун Украина Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитар-эпидемиологик холосаси ва маҳсулотни Украинада қўллашга Рухсат олиш учун ишлатиладиган эксперт холоса (Давсаноатшахназорат томонидан берилади) олиниши керак.

УкрСЕПРО тизимида сертификат ва уларнинг нусхаси голограмма ва бошқа ҳимоя даражасига эга бўлган расмий бланкларда берилади. Шу бланкларнинг ўзида “Украинада мажбурий сертификатланиши керак бўлган маҳсулотлар рўйхати”га киритилмаган маҳсулотларга ҳам сертификатлар берилиши мумкин. УкрСЕПРО Украина сертификатлаштириш давлат тизимида сифатни бошқариш тизимлари ва маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича ишлар [УкрСЕПРО тизими стандартлар серияси](#) талабларига мувофиқ бажарилади. Маҳсулотни мувофиқлик сертификатисиз Украина чегарасидан олиб ўтишга йўл қўйилмайди. Украина божхона ҳудудига олиб кирилаётган ва Украинада мажбурий сертификатланиши керак бўлган товарларни божхонага оид расмийлаштириш тартиби [Украина Вазирлар Махкамасининг 14.05.2008даги 446-сонли қарори билан](#) регламентланган.

Сертификатлаштириш бўйича ўтказилган иш натижаларини ўзаро тан олиш.

Украина билан Сертификатлаштириш бўйича ўтказилган иш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги икки томонлама ҳукуматлараро келишув тузилган. Бу келишувлар Украина умумий (уйғунлашган) меъёрий базага эга бўлган собиқ СССР республикалари бўлган мамлакатлар билан тузилган. Булар: Россия Федерацияси, Беларусия Республикаси, **Ўзбекистон Республикаси**, Арманистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Грузия, Озарбажон Республикаси, Қозогистон Республикаси, Туркманистон, Молдова Республикаси, Тоҷикистон Республикаси. Кўrsatилган мамлакатлар томонидан берилган мувофиқлик сертификатини тан олиш шу мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учунгина амалга оширилишини таъкидлаш лозим. Яъни УкрСЕПРО тизими мисол учун Европада

ишлиб чиқарилган маҳсулотга Россияда берилган мувофиқлик сертификатини тан олиш имконини кўзда тутмайди.

Мувофиқлик сертификати асосан Украина божхона худудига келиб тушаётган маҳсулот тўпи учун тан олиниши мумкинligини таъкидлаш лозим, бунда Тан олиш тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилади.

Сертификацион синов баённомалари тан олиниши мумкин, бунда ишлиб чиқариш ёки ишлиб чиқариш СМТ сертификатлаштирилиши (баҳолаш)ни текширувдан ўтказишда маҳсулотларга сертификацион синовларни ўтказмаган ҳолда 2 йил ёки 5 йил муддатга мувофиқлик сертификатини бериш мумкин.

Юқорида қайд этилган сертификатлаштириш бўйича ўтказилган иш натижаларини тан олиш тизимига қўшимча равиша CB сертификатларини (CB TEST CERTIFICATE) тан олиш ишларини ҳам ўтказиш мумкин.

УкрСЕПРО тизимида маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби

Қабул қилинган модел (схема)га мувофиқ маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби умумий кўринишда қўйидагиларни кўзда тутади:

- сертификатлаштириш идорасига маҳсулотни сертификатлаш учун талабнома (укр, рус, англ) бериш;
- ҳужжатлар рўйхатига мувофиқ талабномага илова қилинадиган, сертификатлаш учун ҳужжатларни бериш (укр, рус, англ);
- сертификатлаштириш идорасида маҳсулотни сертификатлаш учун берилган талабномани қўриб чиқиш ва тақдим этилган ҳужжатларни таҳтил қилиш;
- сертификатлаштириш схемаси (модели)ни кўрсатган ҳолда талабнома бўйича қарор қабул қилиш;
- сериялаб ишлиб чиқариладиган, сертификатланаётган маҳсулот учун: ишлиб чиқаришни текшириш / ёки ишлиб чиқаришни аттестатлаш / ёки ишлиб чиқариш сифатни бошқариш тизимини сертификатлаш (баҳолаш);
- сертификацион синовларни ўтказиш учун маҳсулот намуналарини танлаш ва идентификациялаш;
- маҳсулот намуналарини сертификатлашиш синовидан ўтказиш;
- олинган натижаларни таҳтил қилиш ва мувофиқлик сертификатини бериш имкони тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;
- сертификатланган маҳсулотни УкрСЕПРО тизими реестрига киритиш, мувофиқлик сертификатини бериш, лицензион келишувни тузиш (англ, рус);
- сертификатланган маҳсулот устидан техник текширув ўтказиш;
- маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича ўтказилган иш натижалари тўғрисида ахборот.

Маҳсулотни сертификатлаш учун талабнома бериш ва уни қўриб чиқиш

Украинада сертификатлаштириш ишларини бошлаш учун ишлиб чиқарувчи ёки ишлиб чиқарувчи томонидан берилган, ёзма расмийлаштирилган Ишонч қоғози асосида сертификатлаш учун Талабнома бериши мумкин бўлган ваколатли шахс сертификатлаштириш идорасига (СО) маҳсулотни сертификатлаш учун талабнома беради. Талабнома тегишли Талабнома бланкida берилади (укр, рус, ингл).

Талабнома беришда маҳсулотни намунали гуруҳларга гурухлаш, моделини кўрсатиш (улар мавжуд бўлса), ТН ВЕД кодини (Украинада УК ТЗЕД, чет элда –

customs cod) бериш мақсадга мувофиқ. Маҳсулот таркиби катта бўлган ҳолларда, унинг рўйхатини талабномага илова сифатида бериш маъқул. Талабнома билан бир вақтда СОга маҳсулотга тегишли ҳужжатлар бутлиги, сертификатланган сифат менежменти тизими мавжуд бўлганда (СМТ) – СМТ сертификати берилади. Талабномага (укр, рус, ингл) илова қилинган ҳужжатлар рўйхати сертификатланаётган маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Ушбу рўйхат техник тартибга солиш ишларининг барча турлари учун тузилган: барча сертификатлаш схема (модел)ларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулотни сертификатлаш, СМТ сертификатлаш, Украинада маҳсулотдан фойдаланишга рухсат олиш учун техник экспертизадан ўтказиш, санитар-эпидемиологик хуносани олиш. Ҳужжатлар рўйхатга мувофиқ тўлиқ хажмда тайёрланади. Айрим турдаги ишларни ўтказишда барча ҳолатлар учун ҳужжатлар келтирилиши талаб этилмайди. СО берилган талабнома ва тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва тахлил қиласди. Зарур ҳолларда қўшимча маълумотлар расмий равишда сўралади. Бундан сўнг СО одатда Аризачи билан келишиладиган сертификатлаш модели (схемаси)ни кўрсатган ҳолда талабнома бўйича қарор қабул қиласди (УкрСЕПРО қоидалари бўйича бир ойдан кўп бўлмаган муддатда).

УкрСЕПРО тизимида маҳсулотни сертификатлаш модели (схемаси)

УкрСЕПРО тизимида маҳсулот (ёки ягона буюм) тўпини сертификатлаш ва сериялаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сертификатлаш фарқланади.

Аниқ инвойс бўйича Украина ҳудудига кириб келган маҳсулот (ёки ягона буюм) тўпини сертификатлашда сертификат инвойсда кўрсатилган аниқ белгиланган маҳсулотга берилади. Бундай ҳолларда сертификатда тўп ўлчами, мавжуд бўлса – сертификатланган маҳсулотнинг завод номери, инвойс номери, ТН ВЭД коди, аризачи ва маҳсулот ишлаб чиқарувчисининг номи ва манзили кўрсатилади. Сертификатнинг амал қилиш муддати одатда 6 ой, максимал бир йилни ташкил қиласди.

Сериялаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сертификатлашда УкрСЕПРО тизимида турли сертификатлаш модели (схема)ларини қўллаш мумкин. Маҳсулотни танланган сертификатлаш модели (схемаси)га боғлиқ ҳолда сериялаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сертификатининг амал қилиш муддати қўйидагини ташкил қиласди:

Сериялаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сертификатлаш модели (схемаси)	Маҳсулотга тегишли мувофиқлик сертификатини амал қилиш муддати
Аризачи томонидан (ишлаб чиқаришни текширмасдан) тақдим этилган ҳужжатларни тахлил қиласган ҳолда схема бўйича маҳсулотни сертификатлаш	бир йилгacha
Ишлаб чиқаришни аттетатлаган ҳолда схема бўйича маҳсулотни сертификатлаш	уч йилгacha
Ишлаб чиқариш СМТ сертификатлаган (баҳолаган) ҳолда схема бўйича маҳсулотни сертификатлаш	беш йилгacha

Ягона буюм ёки маҳсулот түпини сертификатлашда сертификат аниқ маълум қилинган буюмларга берилади. Бундай ҳолларда серификатда сертификатланаётган асобоб-ускунанинг завод номери кўрсатилади.

Сериялаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сертификатлашда сертификатлаш ишлаб чиқаришни СО ҳайъати томонидан текшириш (ишлаб чиқаришни текшириш ёки аттетатлаш, ёки СМТ сертификатлаш (баҳолаш)) орқали амалга оширилади. Айрим маҳсулот турлари учун аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиш (ш.ж. маҳсулотни ишлаб чиқаришга қўйишда) ва ишлаб чиқаришни текширмаган ҳолда сертификатлаш модели қўлланиши мумкин, бироқ бундай ҳолларда СМТ тавсифловчи қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши зарур (рўйхат аниқ маҳсулот учун алоҳида белгиланади).

Ишлаб чиқаришни текширмаган ҳолда (тақдим этилаётган ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида) серияли маҳсулотни сертификатлаш.

Мувофиқлик сертификати 1 йилгача бўлган муддатга берилади.

Маҳсулот сертификати ушбу схемани ишлатишда бир йиллик амал қилиш муддатига эга ва аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар таҳлилининг ижобий натижалари ва ишлаб чиқарувчи корхона ёки етказиб берувчидан олинган маҳсулот намуналарини сертификацион синашнинг ижобий натижалари асосида берилади.

Бу схема сертификатланган СМТ (серии ISO 9000)га эга корхона (фирма)лар учунгина қўлланади. Бунда корхона ҳажми ва уларга бўлган талаблар Украинада амал қилинадиган меъёрларга мос бўлиши керак бўлган СМТ бўйича қўшимча ҳужжатлар (процедуралар, материал, хом ашё ва буловчилар кириш назоратини, тайёр маҳсулотнинг чиқиш назоратини ташкил қилиш бўйича йўриқнома, шунингдек тайёр маҳсулотни синаш баённомалари)ни тақдим қилиш керак. ,

Бу сертификатлаш схемаси одатда ҳар бир аниқ аризачи ва аниқ саноат маҳсулоти учун бир мартагина қўлланади. Мувофиқлик сертификати амал қилиш вактида келгусидаги техник назорат техник текширув ва ишлаб чиқаришни текширувдан ўтказиш (зарур бўлса) дастурида ўрнатилган тартиб, муддат ва миқдорда ишлаб чиқариш ёки етказиб берувчиidan олинадиган маҳсулот намуналарини даврий назоратли синовдан ўтказишни ўз ичига олади.

Бу схема маҳсулотнинг маълум рўйхати учун қўлланмайди. Мисол учун, ушбу схема фуқаролик мақсадидаги портловчи материаллар учун ишлатилмайди.

Ишлаб чиқаришни текширган ҳолда серияли маҳсулотни сертификатлаш.

Мувофиқлик сертификати 2 йилгача бўлган муддатга берилади.

Ишлаб чиқаришни текширишдан мақсад: хақиқий ишлаб чиқариш холатини ҳужжат талабларига мослигини аниқлаш, корхонанинг Украинада амалда бўлган меъёрий ҳужжат талабларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш имконини тасдиқлаш.

Ишлаб чиқаришни текшириш маҳсулотни аризачи ташаббуси ёки маҳсулотни сертификатлаш идорасининг (СО) қарори бўйича сертификатлашда амалга оширилади. Бу ишларни ўтказиш тартиби ДСТУ 3957-2000да белгиланган.

Ишлаб чиқаришни текширувдан ўтказишдан олдин Аризачи Талабнома билан сертификатлаш учун берилган, маҳсулот ишлаб чиқаришни дастлабки тўлдирилган текшириш анкетаси (рус, ингл), шунингдек рўйхатга мувофиқ ҳужжатлар бутлигини СОга бериши керак.

Текшириш натижалари ишлаб чиқаришни текшириш акти билан расмийлаштирилади.

Ишлаб чиқаришни текшириш маҳсулот кўрсатгичлари барқарорлигининг миқдорий баҳосини олиш ва сертификатланган маҳсулотни ишлаб чиқариш устидан техник назорат ўтказиш тартибини аниқлашни кўзда тутади.

Ишлаб чиқаришни текширувдан ўтказиш тартиби. Ишлаб чиқаришни текширувдан ўтказишда меъёрий, техник ва технологик ҳужжатлар экспертизаси ўтказилади, у қуйидагиларни кўзда тутади:

- асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари, муҳандислик ва маъмурий хизматлар ҳамда улар орасидаги алоқани қўшган ҳолда корхонанинг структуравий схемаси билан танишиш;
- техник ҳужжатларда ўрнатилган маҳсулот кўрсатгичи ва тавсифларини маҳсулот ва уни ишлаб чиқариш технологик жараёнларига тааллуқли бўлган амалдаги меъёрий ҳужжат талабларига мослигини текшириш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ушбу маҳсулотга тегишли бўлган амалдаги меъёрий ҳужжат талабларига тўлиқ мослигига ишонч ҳосил қилиш учун технологик ҳужжатларда кўзда тутилган назоратли операция ва синовларнинг етарлилигини баҳолаш;
- ҳом ашё ва материал кириш назорати тизими ва технологик жараён кўрсатгичларини назорат қилиш тизимини;
- ўлчашларни бажариш услубияти (ЎБУ), ш.ж. қўлланаётган ўлчаш воситалари ва синов асбоб-ускуналари ноаниклигини кўрсатиш ва тавсифларнинг рухсат этилган оғишига нисбатан меъёрий-техник ҳужжат талабларига мослигига текшириш, ЎБУ валидацияси натижаларига тегишли бўлган ҳужжатлар мавжудлиги;
- қўлланаётган ўлчаш воситалари ва синов асбоб-ускуналарининг метрологик таъминоти тизимининг мавжудлиги ва самарадорлигини текшириш.

Ишлаб чиқариш ижобий натижалар билан текширилганда текшириш акти тузилади, у ижобий сертификацион баённомалар билан бирга маҳсулотга икки йилгача бўлган муддатга сертификат бериш учун асос бўлади.

Ишлаб чиқаришни аттестатлаган ҳолда серияли маҳсулотни сертификатлаш.

Мувофиқлик сертификати З ишлгача бўлган муддатга берилади.

Ишлаб чиқаришни аттестатлашдан мақсад: ишлаб чиқарувчи корхонанинг меъёрий ҳужжат талабларига жавоб берадиган параметрларга эга маҳсулотни стабил равишда ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилган техник имконини баҳолаш.

Ишлаб чиқариш аттестацияси маҳсулотни сертификатлаш идораси (СО) томонидан ўтказилади ва аризачи ташаббуси ёки СО қарори бўйича бажарилади. Бу ишларни ўтказиш тартиби ДСТУ 3414-96да белгиланган.

Аттестатлаш натижалари аризачига бериладиган ишлаб чиқариш аттестати билан расмийлаштирилади.

Ишлаб чиқариш аттестацияси маҳсулот кўрсатгичлари барқарорлигининг миқдорий баҳосини олиш ва сертификатланган маҳсулотни ишлаб чиқариш устидан техник назорат ўтказиш тартибини аниқлашни кўзда тутади.

Аттестатланаётган ишлаб чиқариш ҳужжатларига бўлган умумий талаблар. Маҳсулот ишлаб чиқаришни УкрСЕПРО тизимида аттестатлаш нияти бўлган корхона маҳсулот ва уни ишлаб чиқариш учун тўлиқ техник ҳужжатлар тўпламига (меъёрий ҳужжатлар, конструкторлик ҳужжатлари, ёки маҳсулот таркибини

белгилайдиган ҳужжат, технологик ҳужжатларни қўшган ҳолда) эга бўлиши керак. Техник ҳужжатлар таркиби маҳсулотнинг ўзига хос ҳусусияти ва уни ишлаб чиқариш технологияси билан белгиланади.

Аттестатлашдан аввал корхона қўйидагиларга нисбатан маълумотлар келтириладиган корхона ҳужжатларига эга бўлиши керак:

- сифат назорати ташкилотлари;
- маҳсулот ишлаб чиқаришни назорат қилиш ташкилотлари;
- ишлаб чиқариш персоналининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва ишлар бажарилиши сифатига юқори даражадаги раҳбарият олдида жавобгарлик структураси;
- материал ва буюмлар назоратини қўшган ҳолда технологик жараёнда сифат менежменти тизими;
- маҳсулот техник ҳужжатига ўзгартеришлар киритиш устидан назорат тизими;
- маҳсулот ишлаб чиқариш вақтида ишлатиладиган назорат ва синов асбоб-ускуналарини ўлчаш воситалари;
- назорат ва синов асбоб-ускуналари ўлчаш воситаларини қиёслаш тизимининг мавжудлиги;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тўпини тузиш ва белгилаш тартиби, синаш ва назорат қилиш учун улардан танланмаларни тузиш ва белгилаш тартиби;
- назорат ва синов натижаларини рўйхатга олиш, синов баённомаларини тузиш, тасдиқлаш ва сақлаш тартиби;
- меъёрий ҳужжат таалабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминловчи тартиб.

Аттесталаш пайтида корхона техник имкониятларни аттестатлаш йўриқномасини ишлаб чиқиши керак. Йўриқномани тузиш, баён қилиш ва расмийлаштиришга нисбатан қўйилган талаблар ДСТУ 3414-96, А –иловасида келтирилган.

Ишлаб чиқаришни аттесталашни ижобий натижаларида аризачига ишлаб чиқариш аттестати берилади. Сертификацион синовнинг ижобий баённомалари билан бирга аттестат маҳсулотга уч йилгача бўлган муддатга сертификат бериш учун асос бўлади.

Украиналик бўлмаган ишлаб чиқарувчилар (хорижий фирма) учун УкрСЕПРО тизимида ишлаб чиқаришни аттестатлаш одатда тавсия этилмайди ва камдан-кам ҳолларда ўтказилади. Бу ишлаб чиқаришни аттестатлаш учун корхона маҳсулот сифатини таъминлаш учун ишлаб чиқилган ва жорий қилинган ҳужжатлар бутлигига эга бўлиши зарур эканлиги билан шартланади. Ҳужжатлар ва техник имконларни аттестатлаш йўриқномасининг мазмунига бўлган талаблар ДСТУ 3414-96да кўрсатилган. Бутликка маҳсулотнинг ҳар бир турини ишлаб чиқишида корхонанинг техник имконларини аттестатлаш йўриқномаси кириши керак. Бу талаблар етарли даражада мураккаб, СМТ (ISO 9001) қўйилган талаблардан фарқ қиласи, бироқ маҳсулот сифатини таъминлашга ҳам йўналтирилган. Украинадан ташқаридаги ишлаб чиқарувчилар учун бу ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш жуда мураккаб. Корхонада СМТ (ISO 9001) жорий қилинган ҳолларда маҳсулотни сифат бошқарув тизимини сертификатлаш орқали схема бўйича УкрСЕПРО тизимида сертификатлаш анча соддароқ. Сертификатлашнинг бу модели (схемаси) қуйида баён этилган.

Ишлаб чиқариш СМТ сертификатлаш (баҳолаш) схемаси бўйича серияли маҳсулотни сертификатлаш.

Мувофиқлик сертификати 5-йилгача бўлган муддатга берилади.

Маҳсулотни сертификацион синовнинг ижобий натижаларида ишлаб чиқариш СМТ сертификатлаш (баҳолаш) орқали схема бўйича сертификатлаш маҳсулотга беш йилгача бўлган муддатга сертификат бериш учун асос бўлади.

Сифат бошқаруви тизимини сертификатлаш (баҳолаш)дан мақсад: сифат бошқаруви тизими ДСТУ ISO 9001 - 2001 (ISO 9001:2000, IDT) талабларига мослигини тасдиқлаш, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот меъёрий хужжатларни мажбурий талабларига жавоб беришига бўлган ишончни таъминлаш.

Бунда маҳсулот сифатига таъсир қиласидан барча техник, маъмурӣ ва инсоний омиллар назорат остида бўлади, сифати қониқарсиз бўлган маҳсулот ўз вақтида аниқланади, корхона эса доимо бундай маҳсулот ишлаб чиқарилишини олдини олиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва буюртмачиларни мамнун қилиш чораларини кўради.

СМТ сертификатлаш (баҳолаш) ишлаб чиқарувчи доим стабил сифатдаги, меъёрий хужжат талабларига мос бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришга қодирлигига бўлган ишончни таъминлайди.

СМТ сертификатлаш (баҳолаш) УкрСЕПРО тизимида шу ишларни ўтказиш хукуқига аккредитланган идоралар – СМТ (ООСК) идораси томонидан амалга оширилади. Бу ишларни ўтказиш тартиби ДСТУ 3419-96 ўрнатилган.

Сертификатлаш ишлари талабнома беришдан бошланади. Ишлаб чиқариш СМТ сертифакацияси (баҳоси)га эга маҳсулотни сертификатлаш ишларини ўтказишида маҳсулотни сертификатлашга талабнома бериш етарли ҳисобланади (укр, рус, ингл). Бунда аризачи келишуви бўйича СМТ сертификатлаштириш схемаси бўйича маҳсулот сертификатланади.

Фақат ишлаб чиқариш СМТ сертификатлаштириш ишларини ўтказишида СМТ сертифакатлаштиришга талабнома берилади.

Талабномага илова қилинадиган хужжатлар бутлиги умумий ҳолларда аниқ маҳсулот учун аниқланиши мумкин бўлган рўйхатда келтирилган (рус, ингл, укр).

Аризачи талабнома билан бирга СМТ дастлабки баҳолаш, корхона-аризачининг ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш ва баҳолаш учун бошланғич маълумотларга эга бўлган тўлдирилган сўров анкетасини (рус, ингл) ҳам юборади. Корхона-аризачи ҳам маҳсулотни сертификатлаш, ҳам ишлаб чиқариш СМТ сертификатлаш учун зарур бўлган бошланғич материалларни ҳам тайёрлайди ва ОССК топширади.

Ишлаб чиқариш СМТ сертификатлаш (баҳолаш) жараёни қуидаги даврлардан ташкил топган:

- СМТ дастлабки (сиртдан) баҳолаш – сўров анкетаси асосида ўтказилади;
- СМТ сўнгги текшириш ва баҳолаш (ишлаб чиқаришда аудит ўтказган ҳолда);
- аудит натижалари бўйича ҳисоботни расмийлаштириш;
- СМТ рўйхатга олиш ва сертификат бериш (тизимни сертификатлашда);
- сертификат амал қилиш муддати давомида ишлаб чиқариш сертификатланган СМТ устидан техник текширув ўтказиш.

СМТ сертификатлашнинг ижобий натижаларида аризачига СМТ сертификати берилади.

СМТ баҳолашнинг ижобий натижаларида аризачига қиёслаш натижалари бўйича ҳисобот берилади.

Сертификат (хисобот) нусхаси маҳсулотни сертификатлаш идорасига берилади, ва бу сертификацион синовнинг ижобий натижаларида маҳсулотга беш йилгача бўлган муддатга сертификат бериш учун асос бўлади.

Сертификатлаш мақсадида синов ўтказиш

Сертификатлаш мақсадида маҳсулотни синаш маҳсулот меъёрий хужжатларида кўзда тутилган синов турларини ўтказиш хуқуқига ёки шу маҳсулотни синовдан ўтказиш хуқуқига аккредитланган синов лабораторияси (марказ) томонидан ўтказилади. Синов лабораториялари ДСТУ ISO/IEC 17025 миллий стандарт талабларига мувофиқ Украина Аккредитлаш Миллий Агентлиги томонидан аккредитланиши керак. Аккредитланган лабораториялар Реестрга киритилади. ДСТУ 3411-2004 стандарт талабларига мувофиқ ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида СО билан ҳамкорлик қиласидаги синов лабораториялари УкрСЕПРО тизимида ишга идорани тайинлаш/вакил қилишда УкрСЕПРО тизими Реестрига келиб тушадиган рўйхатга киритилади.

Маҳсулотни сертификатлаш идораси (СО) синаш учун маҳсулот намуналарини (проба) танлаб олади ва улар учун техник хужжатлар олади. Техник хужжатлар таркиби СО томонидан белгиланади. Синов учун намуналар миқдори ва уларни танлаш қоидалари СО томонидан ўрнатилади.

Импорт қилинадиган маҳсулотлар синови УкрСЕПРО тизимида аккредитланган синов лабораториялари (марказлари) томонидан ўтказилади. Йирик габаритли ёки нотранспортбоп ёки фойдаланиш жойида монтаж қилиниши талаб этиладиган, ёки камдан-кам учрайдиган синов асбоб-ускунаси қўлланиши талаб этиладиган маҳсулот намунасини синовдан ўтказишда сертификатлаш мақсадида ўтказиладиган синовни ишлаб чиқарувчи корхонада, унинг ўрнатилган талабларга жавоб берадиган синов асбоб-ускунаси ва ўлчаш воситасини қўллаган ҳолда ўтказишга йўл қўйилади. Бунда синовни синов лабораториясининг мутаҳассислари ўтказиши керак.

Ижобий натижалар олинганда синов баённомалари СО, нусҳалари аризачига берилади.

Ҳеч бўлмаганда кўрсатишларнинг биттаси бўйича салбий натижа олинган ҳолларда сертификацион синовлар тўхтатилади салбий натижалар тўғрисидаги ахборот аризасига ва талабномани бекор қиласидиган СО берилади.

Такрорий синовлар янги талабнома тақдим этилгандан сўнг ва СОга корхона томонидан номувофиқликни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш бўйича тўғриловчи тадбирлар ўтказилганлиги тўғрисидаги ишончли далиллар тақдим этилгандан кейингина ўтказилиши мумкин.

Сертификатлаш мақсадида, шу жумладан бузиш усули билан синовдан ўтган маҳсулот намуналари аризачининг мулки бўлиб қолади. Намуналарни ҳисобдан чиқариш, утилизация қилиш ва қайтариш, шунингдек намуна-далилларни сақлаш СО хужжати билан регламентланади.

Маҳсулотни ихтиёрий сертификатлаш

УкрСЕПРО тизимида ўтказиладиган ихтиёрий сертификатлаш жараёнида маҳсулот параметрларининг Аризачи томонидан кўрсатилган меъёрий хужжат талабларига мослиги аниқланади. Одатда Украинада амалда бўлган меъёрий хужжатларда келтирилган хавфсизлик талаблари бўлиши керак. Бошқа ҳолларда

ихтиёрий сертификатлаш процедуралари УкрСЕПРО тизимида мажбурий сертификатлаш процедурасига мос.

УкрСЕПРО тизимида ўтказиладиган ихтиёрий сертификатлаш жараёнида маҳсулот параметрларининг Аризачи томонидан кўрсатилган меъёрий хужжат талабларига мослиги аниқланади. Одатда Украинада амалда бўлган меъёрий хужжатларда келтирилган хавфсизлик талаблари бўлиши керак. Бошқа ҳолларда ихтиёрий сертификатлаш процедуралари УкрСЕПРО тизимида мажбурий сертификатлаш процедурасига мос.

“Украинада мажбурий сертификатланиши керак бўлган маҳсулотлар рўйхати”га кирмаган маҳсулотни ихтиёрий сертификатлаш бўйича ўтказиладиган ишлар УкрСЕПРО тизимининг аввал баён этилган қоида ва тартиблари бўйича ўтказилиши мумкин.